## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

**1. Сизнингча социал-сиёсий ислоҳотлар шароитида миллий муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари қандай?**

**2. Кўпмиллатли давлатимизда миллий тилларнинг ўрни ва аҳамияти сизнингча қандай бўлиши керак?**

**3. Миллий маданиятларнинг бойиш йўллари ҳақида сизнинг тасаввурингиз?**

Тоҳир МАЛИК

# ПОЙДЕВОР

**Газетамизнинг ўтган сонларида КПСС МКнинг миллий муносабатларни такомиллаштиришга бағишланадиган Пленуми олдидан маданият арбоблари, санъаткорлар, адиблар ва ўқувчиларимизга бир қанча саволлар билан мурожаат қилган эдик. Шу муносабат билан «ЎзАС» саҳифаларида Ўткир Ҳошимовнинг [№3, 1989], Хайриддин Султоновнинг [№9, 1989], Ойдин Ҳожиеванинг [№10, 1989] чиқишлари эълон қилинди. Уларда адибларимиз бугунги куннинг ғоятда долзарб муаммоларини кўтардилар. Бу чиқишлар ўқувчиларимизда жиддий қизиқиш уйғотди. Биз муҳим мавзуни давом эттириб, бугун ёзувчи Тоҳир Маликнинг жавобларини эълон қилаётирмиз.**

1. Ҳар биримиз фарзандларимизнинг иқболини ўйлаб, босган қадамини кузатамиз, кимлар билан дўстлашаётганини назорат қиламиз. Бирон бир бола кўнглимизга ёқмаса, «у билан дўстлашма» деб қаттиқ талаб қиламиз. Меҳримизни уйғотган болани фарзандимизга чин ўртоқ бўлиб қолишини истаймиз. Бизнинг бу истакларимиз ҳамма вақт ҳам ширин мева беравермайди. Мажбуран дўст бўлиш — пойдевори қулдан ишланган бино. Сал нам тегдими, пойдевор нурайди, бино эса қулайди.

Биз халқлар дўстлиги деб аталмиш муқаддас, муаззам бинони узоқ вақт шундай пойдевор устига қурмоқчи бўлдик. Бир-биримизни яхши билмасдан, бир-биримизни юракдан ҳурмат қилмай, сохта жилмайишлар билан дўст тутиндик. Бир-биримизни яхши билмаймиз дедим. Бу шунчаки тил учига келиб қолган гап эмас, балки узоқ йиллар кузатишлар натижасида пишиб етилган фикр. Хўш, биз Грузия ҳақида нима биламиз? Тарихдан Руставелини, шоҳ малика Тамарани ўқиганмиз мактабда. Ҳозирги кун ҳақда гап кетса, «Динамо» футбол командасини биламиз. Зиёлилар уч-тўрт ёзувчини, артистни билади. Бутун бир халқ ҳақидаги тушунчамиз шулар. Молдавияни, Болтиқ денгизи бўйидаги республикаларни ёки Ёқутистонни деярли билмаймиз. Хўш, улар-чи? Қардошлар-чи? Уларнинг биз ҳақимиздаги билимлари, тушунчалари бундан ортиқ эмас. «Ўзбекистон пахта етиштиради, Самарқанд, Бухоро деган шаҳарлари бор...», Бу тушунчаларга энди марказий матбуотнинг «холис хизматлари» туфайли «Ўзбекистон... ярмиси порахўр, ярмиси ўғри халқ», деган тушунча сингдирилди. Хўш, ана шу тушунчалар, билимлар чинакам дўстликка асос бўла оладими? Асос бўла олмаслигини Қозоғистондаги, Татаристондаги, Арманистон, Озарбойжондаги воқеалар тасдиқлаб турибди. Меҳмонни тантана билан кутиб олиш, чойхона палов билан сийлаш, совғалар билан жўнатиш — дўстлик белгиси эмас. Чинакам дўстлик бир-бирини билишдан, англашдан бошланади.

Дўстлик қасрининг сталинизм қилган пойдевори вақт синовига дош бера олмади. Лекин бу ҳол бадбинлик учун асос бермайди. Қасримиз йиқилгани йўқ, бир оз силкиниб олди. Энди оқил одамларнинг бурчи — унинг янада дарз кетишига йўл қўймаслик. Ҳозир миллий муносабатларни мустаҳкамлаш учун шароит яратилди. Энди буйруқ асосида эмас, чин дилдан, самимий дўстлашишга имкон бор. Гап ана шу имкониятдан тўғри, оқиллик билан фойдаланишда. Бу масалани ҳал этишда баъзан оқилликка нисбатан эҳтирослар устун келиб қоляпти. Шу туфайли тушунмовчиликлар, норозиликлар юзага келяпти. Бу бежиз эмас. Биз бундай масалаларни ошкора ҳал этишни энди ўрганяпмиз. Сувга тушмай туриб сузишни ўрганиб бўлмайди. Демак, ҳар бир ножўя гапдан, ножўя ҳаракатдан дарров умумий хулоса чиқариб, «миллатчи» деган тамғани босавермаслик керак.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган гап бор. Ўзаро дўстлик ҳам шундай. Халқлар бир-бирларини чин дилдан ҳурмат қилишлари шарт. Оддий халқ бир-бири билан қўни-қўшни, қариндош-уруғ бўлиб яшайди. Тўйлари ҳам бирга, азалари ҳам бирга. Сувни лойқалатувчилар асосан зиёлилар. Назаримда, жойлар, тарихий шахсларга нисбатан бўлаётган даъволарга чек қўйиш керак! Минг йиллар орасида талашмаган жойни, талашмаган шахсни энди «сеники-меники» деб турсак уят эмасми? Тарихий шахслар меросини ҳар бир халқ ўзича ўрганмай, зиёлилар, олимлар баҳамжиҳат ўрганса кўпроқ фойда бўлмайдими? Тарихий шахслар ҳақида мукаммал бадиий асарлар кам, кинофильмлар, саҳна асарлари эса йўқ даражада. Назаримда, талашишга кетадиган вақтни, кучни, билимни шундай савоб ишларга сарф этиш зарур. Ўрта Осиё ва Қозоғистон олимлари шу масалаларда тез-тез давра қуриб туришлари шарт. Давра қурганда ҳам шахснинг кимлигини аниқлаш эмас, меросини халққа етказишни ҳал этиш зарур. Биров чиқиб «Форобий қозоқ эди» деб юз йил жар солгани билан фойда йўқ. Ундан кўра бу алломанинг меросини ўрганиб, халқни баҳраманд қилиш керак. Ёки «Хоразмий ўзбек, Беруний, Улуғбек, Фарғоний... ўзбек» деб жар солишимиздан наф борми? Ахир халқимиз бу алломаларнинг номинигина эшитишган. Меросидан эса деярли бебаҳра. Хоразмийнинг кибернетика отаси эканини барча ўзбеклар яхши билади, дея олмайман ва буни кечириб бўлмас ҳол, деб ҳисоблайман. Шу ишлар билан ҳозир биз шуғулланмасак, ким, қачон шуғулланади. Талашишлар, баҳслар ҳеч қачон ниҳоясига етмайди. Ҳеч қачон бир томон «яхши шу сизники», деб қуллуқ қилмайди. Шу боис ўзаро миллий муносабатга раҳна солувчи гапсўздан амалий ишларга ўтиш керак.

Ўз онасини ҳурмат қилмайдиган одам нариги маҳаллалик бегона онани ҳурмат қилмайди. Худди шунга ўхшаш — ўз халқини ҳурмат қилмайдиган одам ўзга халқни ҳам ҳурмат қилмайди. Ўзбек ўзбек эканидан, украин эса украин эканидан, яҳудий яҳудий эканидан фахрланиши табиий ҳол. Афсуски, бу фахр узоқ йиллар омбур билан қисилди. Энди биз ҳар бир одамда ана шу фахрни уйғотишимиз шарт. Тарихимизни чуқур ўрганишимиз керак. Яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам шу тарих бизники — ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаймиз. Пушкин айтганидек, аждодларга ҳурматсизлик — ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир. Бугун тарих устига кул тортсак, эртага авлодларимиз барибир очадилар ва бу кулни бизнинг устимизга тортадилар. (Шундай қилишга улар тўла ҳақлидирлар!) То яқин йилларга қадар ҳам тарихий асар «Ўтмишни қўмсаш» деб баҳоланди. Беъманиликни қаранг: украин ёзса майли эмиш, грузин, рус... ёзса, майли эмиш-ку, ўзбек ёзса, тарихни қўмсаш эмиш!? Қизиғи шуки, ўзбеклар тарихига оид асарларни грузин, украин ёки рус адиблари ёзса, бу тамға босилмайди. Адабиётга нисбатан бўлган шу нотўғри муносабат ҳам ўзаро миллий муносабатларга салбий таъсир қилгани сир эмас.

Бир неча йил илгари олий ўқув юртларида бошқа миллатга нисбатан ўзбеклар кўп, бу социал ноҳақлик деб танқид қилинди. Ажаб, ўзбеклар Ўзбекистон республикасида ўқимасдан қаёққа боришлари мумкин? Доҳий Лениннинг Тошкентда дорилфунун ташкил қилишдан мақсади маҳаллий миллат вакилларига билим бериш бўлган-ку ахир. Ҳар бир республика ўз мутахассисларини ўзи тайёрлаши керак эмасми?

Мени яна бир нарса кўп ўйлантиради. Бу — Ўзбекистон спортида ўзбекларнинг камлиги. Футбол командаларимизда номига 3—4 ўзбекни кўрамиз. Айрим спорт турларида умуман учратмаймиз. Ҳолбуки, бу юқоридан берилган кўрсатма, буйруқ натижаси эмас, балки шу соҳага жавобгар шахсларнинг калтабинлиги. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1967 йилда Ростов-Дон шаҳрида ёш футболчиларнинг мусобақаси бўлган эди. Тошкентдан борадиган команда фақат руслардан иборат эди. Сўнгги соатда командага учта ўзбек қўшилди. Оқибатда шу иш учун бир неча одам ишдан олинди, танбеҳ эшитди. Бу ҳам майли, ўша мусобақа пайтида ростовлик мухбир мен билан суҳбатлаша туриб, «қачонгача сизларнинг шарафингизни руслар ҳимоя қилади?» деган эди. Мана шу гап сира эсимдан чиқмайди. Чунки — бу ўринли танбеҳ эди.

Мен тилга олган масалаларни асосан ўзимиз ҳал қилишимиз зарур. Юқоридан кўрсатма, фармон, буйруқ кутишимиз шарт эмас. Аввало, ўзимиз ҳамжиҳат бўлишимиз керак. Шундагина миллатлараро ҳамжиҳатликка, байналмилал дўстликка, чин самимий биродарликка муносиб ҳисса қўша оламиз.

2. Онани ҳурматлаш ҳақидаги фикримни давом эттириб шуни айтишим мумкин: ўз она тилини ҳурмат қилмайдиган одам ўзга тилни ҳам ҳурмат қила олмайди. Ҳозир давлат тили ҳақида кўп гапириляпти, баҳслар кўп бўляпти. Икки тиллилик тарафдорлари республиканинг кўпмиллатли эканини рўкач қиляптилар. Хўш, Грузияда фақат грузинлар, Эстонияда фақат эстонлар яшайдими? У ёқларда давлат тили бошқа миллатларни, бошқа тилларни камситаётгани йўқ, шекилли. Рус тили буткул инкор этилмаяпти-ку! Рус тили ҳеч қачон инкор этилмайди ҳам. Бу тил миллатлараро муҳим восита тили бўлиб қолаверади.

Иккитиллилик тарафдорларининг аксари ўз она тилларини мукаммал билмайдиган одамлар. Давлат тили ўзбек тили бўлган тақдирда маърузаларида, ёзмаларида ноқобил эканликлари фош бўлиб қолади. Ўзбек тилини ўзлаштиришда анча жон куйдиришга тўғри келади. «Мажлисда рус ўртоқлар ҳам бор, шунинг учун русча гапираман», деган баҳоналари ўтмайди. Уларнинг ҳаракатларини шундай асослаш мумкин.

Ҳозир ўз она тилини яхши билмаганлари учун рус тилида ижод қилувчи ёзувчилар бор. Уларни кўрганимда улуғ рус адиблари эсга тушади. Улар француз тилини яхши билишган. Лекин асарларини ўз она тилларида ёзганлар. Ҳатто француз тилида гапирувчиларни асарларида ҳажв қилганлар. Она тилининг софлиги учун курашганлар. Рус тилининг мўъжизаларига амал қилиб фақат руслар ёза олишлари мумкин. Бошқа халқ вакилининг рус тилида ёзадиган асари тилида шира, жозиба бўлмайди. Бадиий ижоднинг энг муҳим қирраси ўтмаслашади. Аввал ўз она тилида ёзиб, сўнг рус тилига ўзи таржима қилса бу бошқа масала. Бундайларни фақат шарафлаш керак.

Гарчи конституциямизда сўз бўлмаса-да, бизда ҳозир иккитиллилик мавжуд. Шаҳарларда барча ишлар рус тилида, қишлоқларда айрим ишлар, мажлислар ўзбек тилида олиб борилади. Икки тиллилик қонун тусига кирса, ҳеч нима ўзгармайди. Адолат юзасидан, ленинча миллий сиёсат нуқтаи назаридан қаралганда ҳар бир халқнинг давлат тили ўз она тили бўлиши керак.

Тил масаласининг одилона ҳал этилиши жойларда миллий муносабатларни яхшилашга олиб келади. Аниқ эслайман: 60 йилларга қадар Тошкентда яшовчи русларнинг (украин, белорусларнинг) аксари ўзбек тилини, урф-одатларини яхши билишган. Маҳаллий аҳолининг урф-одатини, тилини билиш — ўзаро ҳурматнинг асосларидан бири. Республикамизда яшаётган рус, украин, яҳудий...ларнинг барчалари бир хилда эмас. Инқилобга қадар кўйинг-чи, Улуғ Ватан урушига қадар кўчиб келган биродарларимизнинг миллий тилга, тарихга, урф-одатга муносабатлари бошқа, улар ўзбеклар, тожиклар... билан оға-ини тутишиб кетишган. 60-йилларга қадар келганларида бу фазилат сустроқ. 66-йилдан кейин келганларда эса бу фазилат янада кам сезилади. Тушунмовчиликлар, норозиликлар, тўқнашувлар шундан келиб чиқади. «Биз сизларга шим кийишни ўргатдик» қабилидаги аҳмоқона гаплар айнан 60-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди.

Бошқа халқларнинг ўзбек тилини ўрганиш масаласи аввал ҳам бир кўтарилгани ёдимда Бу масала энди яна кун тартибига қўйилиши керак. Ўзбек мактабларида рус тили қай тарзда ўтилса, рус мактабларида ўзбек тили шундай ўтилиши керак. Рус мактабларида Ўзбекистон тарихи атрофлича ўргатилиши керак.

Бу масалаларнинг ҳал этилиши ҳукумат қабул қиладиган қарорларга боғлиқ. Мен халқ хоҳишининг инобатга олинишига ишонгим келади. Аммо қарор қабул қилинишини кутиб ўтирмай бошлайдиган ишларимиз ҳам бор. Яъни бошқа халқларга ўзбек тилини ўргатишдан аввал она тилимизни ўзимиз дурустроқ ўзлаштириб олишимиз зарур. Ўз тилимизда сўзлар, иборалар турган пайтда ўзга тиллардан ўтган сўзларни ишлатишга ўрганиб кетдик. Радио, телевидениеда, матбуотда, шунчаки суҳбат қурганимизда ҳам кулгили, ҳам ғашни келтирадиган жумлаларни эшитамиз: «Мен савсем ишонмадим», «Вабше қарамади», каби жумлалар тузиш эътиборсизлик оқибатими ё калтабинликми, билмадим. «Мавзу» ўрнига «тема», «режа» ўрнига «план», «ҳакам анжумани» ўрнига «жюри», «қурилма» ўрнига «установка», «тўсин» ўрнига «балка», «шиша» ўрнига «бутилка»... деб ишлатишимиз-чи? Биз неча юз йиллардан бери деҳқончилик, чорвадорлик қиламиз. Лекин нима учундир бу соҳадаги иборалар ҳам ўзбекча эмас. «Култивация», «барона», «корчовка», «чеканка», «обрезка»... Бу иборалар вақтида кимнингдир эътиборсизлиги ёки саводсизлиги туфайли тилимизга аралашиб қолганича ҳануз истеъмолда юрибди.

Биздаги катта-кичик раҳбарлар юқорига кўз тикиб яшашга ўрганиб қолишган эди. Афсуски, бу ҳол ҳозир ҳам давом этяпти. Тошкент кино томошахоналарида ўзбекча эълонлар йўқлиги масаласи кун тартибига қўйилгач, шаҳар ижроқўми қарор қабул қилди. Шундан кейингина ўзбекча эълонлар пайдо бўлди. Хўш, шу томошахоналар раҳбарлари қарорни кутмай, ўзбекча эълонлар ҳам ёздирсалар бўлмасмиди? Бунинг учун қарор эмас, озгина дид, фаросат бўлиши лозим. Эълонларнинг ўзбекча ёзилиши муносабати билан савод масаласи яна қалқиб юзага чиқади. Саводсиз эълонларимиз жуда кўп. Томошахонадагилар ҳам майли, газеталардаги эълонларни ўқиб дод деб юборай дейсан. Шунақа саводсиз эълонни ўзбекча бергандан кўра русча бўлаверсин дегинг келади. Томошахоналарнинг бошлиқлари адабиётчи эмас, чиндан ҳам саводдан наридир. Газеталар-чи? Радио-телевидение-чи? У ерларда тил-адабиётдан сабоқ олган одамлар ўтиради-ку? Бир учрашувда устоз Абдулла Қаҳҳор радио тилини танқид қилиб «кўча ҳаракати қоидаси бузилса ГАИ ходими тўхтатиб жазолайди. Тил қоидасини бузганлар нима учун жазоланмайди», деган эканлар. 20 — 30-йилларда саводсизликни тугатиш ҳаракати бўлган эди. Ҳозир саводсизликка қарши кураш лозим бўлиб қолди. Буни ҳукумат қарори билан эмас, биз, ўзимиз амалга оширишимиз шарт.

Айрим маданият арбобларининг тилга муносабатлари ҳам мени ташвишлантиради. Мен маданият министрлигида ишлаганимда бир нарсадан ажабланган эдим: ўзбек маданияти тараққиётини белгиловчи юқори идорада ўзбек тилидаги хатни кўчирувчи ёзув машинкаси йўқ! Ҳатто бу идорага мурожаат қилувчи чўпонга ёки деҳқонга ўзбек тилида саводли жавоб ёза оладиган одам йўқ. Ҳолбуки, бу юқори идора ходимларининг аксарияти ўзбеклар.

Театрларга машқ пайтида кириб қолсангиз, бошингизни қайси деворга уриб ёришни билмайсиз. Ўзбек театрида ўзбекча асар саҳналаштириляпти. Бирдан режиссёрнинг овози янграйди.: «Стоп, стоп! Что за ерунда! Он говорить «севаман», понимаешь Гулечка, «се-ва-ман!» значить любить. А, сенда не то. Давай, бошидан, начали». Ўзбек актёрига ўзбекча сўз шу зайлда тушунтирилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, саҳнадаги актёрнинг гап оҳанги ўзбекча эмас, сўзлар бураб-бураб талаффуз қилинади. Баъзан саҳнада ўзбеклар эмас, ўзбекчани энди ўрганган инглизлар гапираётганга ўхшайди.

Хўш, айтингчи, энди буларга ҳам «машқлар ўзбек тилида бўлсин» деган махсус қарор керакми? Махсус қарор уларга эмас, Театр ва рассомлик, Маданият институтларига, консерваторияга... керак. Ўзбек маданиятининг бўлажак арбоблари талабалик йилларида ўз тилларини мукаммал ўрганишлари шарт. Бунинг учун мазкур билим даргоҳларида ўзбек тили ва адабиёти дарслари ўтилиши зарур. Бу ҳақда узоқ вақтдан бери (ҳатто турғунлик йиллари) гапириляпти, аммо қулоқ соладиган азамат топилмай турибди. Менингча, толиби илмлар ҳам ташаббус кўрсатишлари, олий идораларга мурожаат қилишлари керак.

3. Миллий тилга эътибор, миллий тилни бойитиш — миллий маданиятнинг қай даражада бойишини белгилайдиган муҳим омил. Ҳар бир халқ маданиятини асосан ўз тилида яратган асарлар билан ривожлантиради. Айни пайтда, бошқа халқ вакиллари яратган бебаҳо асарлардан ҳам баҳраманд бўлади. Ўзбек театри тарихига назар солайлик: Абдулла Авлонийнинг Озарбойжон театри билан танишиши, сўнг ўзбек саҳналарида Шекспир, Чехов... қаҳрамонларининг пайдо бўлиши... Ўзбек театри ҳам, драматургияси ҳам бошқа халқлар маданияти тажрибасига суяниб ривож топди. Бошқа халқлар маданиятидан ўрганиш керак. Аммо тақлид қилиш ярамайди. Ўзбек театрида, айниқса киносида ана шу тақлид кучли. Тақлид ўзбекона руҳни, миллийликни четга суриб ташлаган. Шунинг учун халқимиз «Ўзбекфильм»нинг кўп асарларини кўргиси келмайди. Миллийлик йўқ бўлгани учун иттифоқ томошабинлари ҳам унча хушлашмайди. Опера-балет санъати ҳам шундай. Биз бу санъат тури Европада қандай бўлса, шундайлигича олдик. Ҳолбуки, ўзбек операси украин операсидан ажралиб туриши лозим эмасми? Ҳозирча биз бундай фарқни сезмаяпмиз. Шунинг учун ҳам санъатнинг бу тури халқимизга сингмай турибди.

Бадиий асарларни таржима қилишлар, маданият ҳафталиклари миллий маданиятларнинг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшади, дейиш қийин. Ҳиссанинг сезиларли бўлиши учун маданий алоқаларни доимий бўлишини таъминлаш керак. Бундан бир неча йил олдин республикамизда Озарбойжон адабиёти ва санъати кунлари бўлди. Шунга бағишлаб 3—4 китоб чиқарилди. Шу билан иш тугади, ҳисоб. Энди шундай тадбир қачон бўлади, номаълум. Арманистон, Молдавия, Грузия... маданият ҳафталиклари қачон бўлган, эслолмайман. Қардошлар маданиятидаги бирон янгилик марказий матбуотда тилга олинса, хабар топамиз, бўлмаса йўқ. Шунинг учун ҳар бир республика пойтахтида қардош республикаларнинг маданият марказлари бўлиши шарт. Чет эллар билан маданий алоқа марказлари бор, аммо қардош халқлар нима учундир эътибордан четда туради. Тошкентда Латвия, Эстония... маданияти маркази, Таллин, Рига...да эса ўзбек маданияти маркази бўлса, бу марказ қардошларни ўзбек маданияти билан таништиришга хизмат қилса, қардошлар маданиятидаги энг яхши янгиликларни бизга етказиб турса яхши эмасми? Фақат бу масалада ғоят зийраклик зарур. Ундай жойларга фақат фамилиясигина ўзбек, ўзи эса ўзбек маданиятидан бегона одамлар бориб қолмасликлари керак.

Биз қардошларни рус тили орқалигина биламиз. Имоним комилки, уларнинг барча яхши асарлари ҳам рус тилига таржима қилинавермайди. Шу пайтгача ҳаракатчан, Москвада қалин ошналари бор ёзувчиларнинг бўш асарлари кўп чиқди. Биз ўша бўш асарларга қараб, ўша халқ адабиётига баҳо бердик. Айни чоқда улар ҳам бизнинг адабиётимизга шундай баҳо беришди. Нохуш ҳолми? Албатта. Биз бир-биримизнинг тилларимизни билмаймиз. Америкадан келиб ўзбек тилини ўрганиб кетишади. Литвада ўзбек тилидан литва тилига таржима қилишади... Биз эса туркий ва форс тилларидан базўр (шунда ҳам барча эмас) таржима қила оламиз. Ўтган йили Украинадан бир йигит ўзбек тилини ўрганиш учун келди. Унга ҳеч ким ёрдам бермади. Ёзувчилар союзи ҳам четда турди. Оқибатда у қайтиб кетди.

Барча республикаларнинг Ёзувчилар союзи шу масалада бирлашсалар, ёшларни тил ўргатишга сафарбар этсалар, шароит яратиб берсалар, миллий маданиятлар янада бойир эди.

# УЛФАТ ДЕВОНИ

Кейинги йилларда ғазалхон шоирларимиз асарларини анъанавий девон тартибида нашр этиш одатга айланди. Яхшилиги шундаки, девонлар, бир томондан, шеъриятнинг тарихий шаклларини ўқувчи кўзи олдида намоён қилиб турса, иккинчидан, китобат ишининг классик тартибини эсга солади. Ҳабибий девони, Эркин Воҳидов, Восит Саъдулла девонлари ана шундай. Шоир Улфатнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Гулбоғ» девони бунга яна бир мисол.

Девондан ғазал, мустазод, таржибанд, мусаддас ва мухаммаслар, таърих, марсия, маснавий, қасида ҳамда автобиографик мазмунли асарлар ўрин олган.

Яхши ғазал — ўлчовли қурилма. Унга на қўшиб бўлади, на олиб.

Оддий муносабатлар пайтида, масалан, «ул сарви гулру кеча келаман деб келмади» дейилган хабар ғазалда шу ҳолат билан боғлиқ бўлган ички кечинмаларни ўзига жамлаб, бир-бирини кучайтириб, тўлатиб борувчи ўнлаб кўринишларда ифода қилинади. Табиат ва жамият ҳодисалари орасидаги ўзаро ички боғланишлар, қонуниятларни тушунишда бу хилдаги асарнинг аҳамияти катта.

Улфат девонида чуқур бадиият билан йўғрилган ғазаллар кўп. Мадҳияларда, одоб-ахлоқ мавзуида ёзилган ғазалларда-ку кўпни билган ва кўпни кўрган шоирнинг қанчалик оҳорли гап айта олганини тасаввур этишимиз қийин эмас, аммо унинг ошиқ ҳолатини(бошқалардан фарқли суратда) қандай ва қай даражада ифода қилгани бизни қизиқтиради. Биргина «Қора соч» ғазалини мисолга олайлик. Матлаъда шоир ёзади:

**Тўлғаниб аждар каби икки**
**ўрилган қора соч,**
**Дер: «Яқин келсанг,**
**ўрарман, жон кераклик**
**бўлса, қоч».**

Уч байтли баёни ҳолатдан кейин орада шоир «нодон рақиб»нинг ёр ҳуснини ойга ўхшатишидан ажабланади ва ёркин қуёшга, ойни эса (ёр юзига қиёслаб) «кулга булғанган кўмоч»га нисбат беради...

Шоирларимизнинг мухаммас жанридаги заҳматларига адабиётшунослигимиз ҳали етарли баҳо беролганича йўқ. Пасту баланд савиядаги шоирлар шеъриятнинг ҳар бир жанри бўйича ижод қиладилар-у, лекин мухаммасга ҳар ким ҳам журъат билан қўл уравермайди.

Мухаммас — бешлик дегани. Тазминни назарда тутганда, мухаммас — иккиликни(байтни) бешлантириш санъатидир. Шоир ўзига(ва элга) маъқул бўлган бошқа бир адиб ғазалини олиб, унинг ҳар бир байти олдидан уч мисра орттириши лозим. Аниқки, бунда бешлантирувчи кишининг иши осон кўчавермайди.

### Тақриз

Бирор ғазалга мухаммас боғлаш учун шоир шу ғазал мавзуинигина эмас, ғазал соҳибининг ижоди ва, айниқса, услубини чуқур ўрганиши, бадиий тафаккур ва шеърий санъатда у билан тенглашиши, мушоаранинг «чаки»ни билдирмайдиган моҳир ижодкор бўлиши керак. Шу маънода мухаммас шоирнинг ўз қувваи табъини синаш воситаси, унинг ўзига ўзи билдирган ишонч ёрлиғи ҳамдир. Собир Абдулла, Ҳабибий, Маҳжур, Сайфий, Эркин Воҳидовда бу ёрлиғ бор. Улфат ижодида ҳам бу ёрлиғ бор, лекин асарлари кечроқ нашр этилаётгани туфайли, ёрлиғ борлиги бизга эндигина аён бўлаётир.

Улфат девонидаги мухаммаслар ичида шоирнинг Навоий, Бобур, Собир Абдулла, Ҳабибий ғазалларига боғлаган гўзал мухаммаслари ҳам бир тарафу, Фузулийнинг «Ишқ офати жондир» ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам бир тараф бўлиб кўринади. Фузулий ғазалининг ўйноқи вазни Улфат услубига мос тушиб қолганиданми, Фузулий меросининг шоир ижодига таъсириданми, ҳарқалай, мухаммаснинг ҳамма бандлари бир-бирига қуйиб қўйгандек текис, мутаносиб бўлиб тушганки, шинаванда китобхон буни алоҳида қониқиш билан ўқийди, мамнун бўлади. Мана, унинг сўнгги банди:

**Гўш айла, муҳаббат**
**ишидин айлаям ихбор,**
**Хўблар юзина бохмаки,**
**ғоятда ситамкор.**
**Улфат киби то чекмаясан**
**ранж ила озор,**
**Гар деса Фузулийки,**
**гўзалларда вафо вор,**
**Алданмаки, шоир сўзи**
**албатта ёлондур.**

Мухаммасга сўзнинг тарихий қатлам ва шаклларини танлаш масаласида отахонга кичик эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Навоий, Бобур замонида, бизнингча, «малҳам», «йўқолмоқ», «термулиб» сўзлари «марҳам», «йўқ ўлмоқ», «телмуруб» шаклларида қўлланган бўлиши керак. «Ёғлиқчи» термини, «чиройлилик» шакли у вақтларда адабий тилда қўлланганмикан?..

Айрим матбаа хатоларини ҳисобга олмаганда ҳам, кўп ўринда тиниш белгиларининг нотўғри ишлатилиши мазмунга катта зарар етказганини қайд этиб ўтиш керак(масалан, «Китоб» ғазалини кузатинг). Умуман олганда, девон — мағзи тўқ китоб. Шоирнинг лафзи ширин, сўзлари тиниқ. Унинг сўзига боққан киши ўзига боққиси, кимлигини билгиси, танишгиси келади.

Имодиддин Қосимов — Улфат Андижонда туғилиб ўсган, фозил кишилар қўлида таълим олган, араб, форс тилларини мукаммал билган олим.

Касби бухгалтерлик бўлса ҳам, у илм ва адабиётдан, бадиий ижод ишидан узоқлашмади. Улфат Андижонда шаклланган ва Ҳабибий, Маҳжур, Сайфий, Анисий, Хуррам, Боқирни воягa етказган катта адабий доиранинг фаол аъзоси эди. Улуғ Ватан урушидан олдинги йиллар ичида Улфат Маҳжур, Анисий билан бирга Тошкентга бориб, Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаш комитетида хизмат қилди.

«Олим бўлиш осон...» деб бошланувчи халқ нақлининг охири «одми бўлиш қийин» билан тугалланади. Етукликка эришган кишиларнинг ҳаммасига ҳам одмилик насиб бўлавермайди. Отахон шоиримиз — табиатан одми. Энг қийин ва мураккаб фикрларни ҳам у шунақа осон ва одми қилиб ифодалайдики, буни донишмандлик белгиси деса бўлади. Девондаги асарлар таъмини тотган китобхон отахон шоирдан янги-янги туҳфалар умидида бўладилар деб ишонамиз.

**Ф. ИСҲОҚОВ,**
**филология фанлари кандидати**

**Андижон**

ЖОНИМИЗ

## АЧИГАНИДАН ЁЗДИК

Газета маданий ҳаётимиздаги ўзгаришларни, янгиликларни турли хил рубрикаларда ёритиб бормоқда. Аммо, маданиятимизнинг бир булоғи бўлган кутубхоналаримиз ҳақида мақолалар кам ёритиляпти. Сизларга мактуб йўллашга бизни бир масала мажбур қилди. У ҳам бўлса, кутубхоналар жойлашган бинолар талаб даражасидами? Фарғона область Тошлоқ районида битта марказий, битта болалар ва 45 та қишлоқ филиал кутубхоналари мавжуд. Лекин бу кутубхоналарнинг бирортаси махсус биноларга жойлашмаган. Бундай ҳол фақат бизнинг районда бўлмаса керак.

Ҳозирги район кутубхонаси жойлашган бино аввал болалар боғчаси эди, кейин эски, фойдаланишга яроқсиз деб топилиб, боғча янги бинога кўчирилди. Шундан сўнг 1985 йил декабрь ойида бу бинога район марказий кутубхонаси кўчириб келтирилди. Бироз ремонт қилиниб, район аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатила бошланди. Орадан уч йил ўтгач, фойдаланишга яроқсиз деб топилган бино яна қайтадан яроқли бўлиб қолди. Энди боғча кутубхонага кўчиб келди. Бир бинода ҳам кутубхона, ҳам болалар боғчаси. Ҳозирги кунда юз ўринли болалар боғчаси ва 55 минг китоб фондига эга бўлган район марказий кутубхонаси шу ерга жойлашган. Китоблар бизнинг ҳам келажагимиз, ҳам ўтмишимиз. Улар тор ва қоронғу хоналарда тепасидан чакка ўтиб, сарғайиб яроқсиз ҳолда уюлиб ётса, бефарқ қараб бўладими?

Район кутубхонаси марказлашганига саккиз йил бўлди. Шу вақт ичида кутубхона 4 марта жойдан жойга, шунда ҳам доим яроқсиз биноларга кўчирилган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 55 минг китоб фондини кўчириш осонми?

Биз оддий китобхонлармиз. Аммо жонимиз ачиганидан ёздик.

**У. Хонпўлатова, И. Асқарова, М. Аҳмедова, Р. Шитова, Р. Валиева, У. Турдиева, М. Йўлдошева, Ж. Рамазонова, И. Исоқов ва бошқалар**

## ЁРДАМГА МУҲТОЖМИЗ

Бу илтимосномани мен Ҳаққулобод шаҳар Вокзал кўчаси аҳолиси номидан ёзмоқдаман. Шаҳримиз тобора чирой очиб гуркираб бормоқда. Лекин шаҳар чеккалари қаровсиз ҳолда харобага айланиб ётибди.

Ҳаққулобод темир йўл станцияси биз яшайдиган кўчага яқин жойлашган бўлиб, йўловчилар ва шаҳримизга келган меҳмонлар бу ердаги ахлат уюмларини, тартибсизликни кўриб ёқа ушлайдилар.

Ахир бу ахлат уюмлари ҳавони булғатиб, инсон саломатлигига зарар келтиради-ку! Наҳотки, шаҳар ижроия комитетидаги ўртоқлар шуни тушунмасалар? Биз бир неча маротаба маҳалла комитетига мурожаат қилиб, бирор чора қўллашларини сўрадик. Лекин улар бу кўчани четлаб, кўз юмиб ўтмоқдалар. Қачон бизлар ҳам тоза ҳаводан нафас олиб яшаркинмиз?

**Н. ҚАМБАРОВА**
**Наманган области**

Куюнчак газетхонлардан хатлар

## АРМОН

2000 дан зиёд аҳолиси бор Бешкал қишлоғимиз яқинда оғир жудоликка учради. Ҳар биримиз учун азиз, камтарин ва оқил инсон, уруш ветерани Маҳмаюсуф отадан айрилдик. Тўғри, ўлим ҳақ. Лекин, лекини борда. Отанинг мазаси қочиб қолганда тезда қишлоқ фельдшерини чақирдик. Унинг дорилари ёрдам бермади. Қишлоқ марказий касалхонасидан врач келди. Улар касалхонанинг ёрдамисиз ҳеч нарса қилолмаймиз дейишди. Касалхонага жўнадик. Марказий касалхоналарнинг деярлик барчасига бордик. Лекин касалликни аниқлашга ёрдам берадиган керакли аппарат йўқ эди. Бир касалхонада бор экан, лекин у ҳам яроқсиз экан. Ниҳоят кимдир нажот кутишни ўйлаб, «Тез ёрдам» бўлимидан машина билан икки врачни олиб келдик. Уларда эса фақат қисқич ва бинт бор экан холос. Бошқа ҳеч қандай дори-дармонлари кўринмади.

Бутун умрини, одамларнинг яхши яшашлари учун бахш этган, жанг майдонларида қон кечиб, фашистларни қийратган, урушдан сўнгги тинч кунларда ҳам ҳузур-ҳаловатидан кечиб ўзини ўтга-сувга уриб яшаган яхши бир инсонга вақтида керакли ёрдамни кўрсата олмадик.

Фан ва маданият жуда юксалган шу замонда касалхонамизда оддий бир темир асбоб етишмаса, инсон омили деб жар соламизу биргина телефонни тузатиб қўя олмаймиз. Қишлоғимизга бир неча йил аввал телефон симлари тортилган эди, лекин уларнинг ишлаганини ҳеч ким эслолмайди. Ҳаттоки алоқа бўлимида ҳам телефон йўқ. Қишлоғимиздан хизматга кетган йигитлар уйга қайтишда аввал ўзлари келадилар, уч кундан кейин эса юборган телеграммалари келади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Колхоз марказий касалхонасида ҳам, идорада ҳам телефон йўқ ҳисоб, борлари ҳам дурустроқ ишламайди. Агар қишлоғимизда ўрнатилган телефонлар тартибли ишлаб турганда отани олиб қолган бўлар эдик. Армонимиз шу.

**А. КАРИМОВ, Э. ЛАҲАНОВ, Э. БЕРДИЕВ, жами 14 имзо**

**Самарқанд область, Ургут райони**

## ОБУНАЧИЛАР РАНЖИМАСИН

Адабиёт ва санъат газетамизнинг обуначилари сони 1989 йилда 636899 тага етганини хабар қилган эдик. Бундай хушхабар ишимизга қанот бахш этиши табиий, лекин ҳамма обуначилар газетани вақтида олиб ўқишга муяссар бўляптиларми?

«Ўзбекистон адабиёти ва саъати»га 1989 йил учун обуна бўлган эдим. Афсуски, ҳозиргача унинг бирорта сонини ололганим йўқ. Обуна квитанциясини почта бўлимига (702016) кўрсатсам, обуна бўлган жойингизга бориб учрашинг, дейишди. Бордим. Улар квитанцияда кўрсатилган адресга юборганмиз, дейишди. Кимга ишониш керак? Гапнинг қисқаси, ё ёзилган нашрингизни ўз вақтида ололмайсиз, ёки сиз ёзилган нашр қолиб, бошқасини етказиб беришади».

Тошкент район «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида истиқомат қилувчи Эркин Юнусов гапининг исботи учун хатга обуна квитанциясини ҳам қўшиб юборган.

Чиндан ҳам нега шундай аҳвол юз берди. Нега Э. Юнусов «Ўзбекистон биология журнали»га обуна бўлиб, йил давомида «Ўзбекистон геология журнали»ни олиши керак? Алоқа бўлими ходимлари нега ўз ишларига ҳушёрлик билан қарамайдилар.

Поп район, «Навбаҳор» совхозидан А. Тиллақўзиев ёзади: — Қишлоғимизнинг ярми Найман совхозига, ярми «Навбаҳор» совхозига қарайди. Обуна вақтида ҳар иккала совхознинг алоқа бўлимларига учрашиб, турли сабаблар билан обуна бўла олмагач, қўшни Фарғона областининг Данғара алоқа бўлимида ушбу газета ва «Ёш куч» журналига обуна бўлдим.

Квитанциямни Найман совхози почтальонига кўрсатсам, газетани «Навбаҳор» совхози алоқа бўлимидан оласиз, деди. Бу алоқа бўлимидан эса умуман газета ололмадим. Нима қилишим керак? Алоқа хизмати ходимларининг беparволиги учун газетани ўқий олмай келяпман.

Самарқанд область Иштихон районидан М. Холматов, Тошкент шаҳар Октябрь районидан Г. Қозоқбоева, Қашқадарё область Қамаши районидан Н. Усмонов йўллаган хатларида ҳам газетани вақтида ололмаётганлари ҳақида ҳақли талаблар баён этилган.

Биз шикоятчилар арзини Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги матбуот хизмати ва уни тарқатиш бўлимидаги ўртоқларга газета орқали етказар эканмиз, обуначиларга хизматни тез орада яхшилаш ҳақидаги кўрилган тадбирдан редакцияни хабардор қилишларини илтимос қиламиз.

**ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ**

Ҳаким ПИРМУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётининг директори

# ХОЛИС БЎЛАЙЛИК

Агар халқ орасидаги «Етти ўлчаб, бир кес», деган нақлни ким кўпроқ эслайди, деган савол тушса, ноширлар деб жавоб берган бўлардим. Чунки, битта китоб чоп этилиб, ўз ўқувчисини топгунга қадар кўп жараёнлардан ўтади. Ношир наинки, ўша кикитобнинг бадиий савиясини, шунингдек, ғоявий-сиёсий жиҳатларини ҳам, унинг чоп этилгач китоб дўконлари пештахталарида туриб қолмаслигини ҳам, нашриётга қай даражада иқтисодий фойда келтиришини ҳам ўйлайди. Хуллас, ношир «Етти ўлчаб, бир кесади».

Нашриётимиз иложи борича китобхоннинг диққатини жалб этадиган, қизиқиб ўқийдиган, унинг фикрини бойитадиган сиёсий-оммабоп, бадиий асарларни чоп этишга ҳаракат қилмоқда. Ўзининг доимий, синалган авторларига эга. Айни пайтда, ҳар йили турли адабий сериялар ташкил этилмоқда. Масалан бу йил «Ёшлик» кутубхонаси» серияси ташкил этилиб, «Ёшлик» журналида босилган энг яхши наср, назм, таржима асарлари жамланиб чоп этилди. Шунингдек, «Ильичдан ўрганамиз» номли янги серия ташкил этилди. «Совет турмуш тарзи» сериясида бир қатор тарихчи, файласуфларнинг асарларини чоп этяпмизки, улар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга катта ҳисса қўшади. Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Улуғбек» эссеси каби асарлар эса тарихимизни, маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш учун бир калитдир. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 100 йиллигига бағишланган К. Яшиннинг «Қалб алангаси» асари ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади деб ўйлайман. Бу йил чоп этилиши керак бўлган асарлар рўйхатини яна келтириш мумкин.

«Ёш гвардия» нашриёти ташкил топганига бир кам ўттиз йил бўлди. Нашриёт таъсис этилган йили 600 нашр тобоғи ҳажмида китоблар чиқарувчи 4 та редакция иш бошлаган эди. Партия ва ҳукумат қарорида эса, нашр ҳажми йилма-йил оширила бориб, беш йил ичида, яъни 1965 йилга келиб уч минг нашр тобоғига етказилиши лозим эди. Афсуски, бу қарор қоғозда қолди ва биз эндигина минг нашр тобоғи ҳажмига эришдик. Шу сабабдан ҳам республикамиз болалар учун китоб нашр этиш соҳасида Иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Боз устига биз ҳар йили қоғоз ва босмахона лимитларининг мавжуд миқдорини ундириш учун ҳам тинимсиз кураш олиб боришимизга тўғри келмоқда.

Фақат бугина эмас. Маълумки нашриётимиз ҳозирги кунгача ўз матбаачилик базасига эга эмас. Биз ҳамма вақт турли матбаачилик комбинатлари ва муассасалари билан буюртмачи сифатида иш юритамиз. Шу туфайли ҳали қийинчиликлардан холи бўлолмаяпмиз. Масалан, бу йил учун давлат планлаштириш комитети 80 фоиз биринчи навли босмахона қоғози ажратган эди. Лекин давлат таъминот ташкилоти бу рақамни 50 фоизга камайтирди. Бундан ташқари 1986 йилдан бошлаб ниҳоясига етказилмаган босмахона қурилиши нашриётдан ажратиб қўйилди ва қурилаётган матбаачилик комбинатининг алоҳида дирекцияси ташкил этилди. Янги чиққан қарорга биноан бўлғуси босмахонани ҳозирдаёқ «Молодая гвардия» нашриёт-матбаачилик бирлашмасига қўшиб юбориш мўлжалланмоқда. Шундай қилиб, қурилаётган босмахона айвонидан «Ёш гвардия» қаторида бошқа ташкилотлар ҳам жой олишига тўғри келади. Бу, албатта, ҳозирги қийинчиликлар давом этишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам янги босмахона қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш ва уни «Ёш гвардия» нашриёти ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир.

Нашриётимиз наинки, кўпроқ ёшлар учун китоб чиқаради. Айни пайтда ёш ижодкорларнинг асарларини босишга ҳам даъват этилган. Бу соҳадаги ижодий силжишлар барчанинг кўз ўнгида юз бермоқда. Лекин булар бизга ўз ишимиздан қониқиш ҳосил қилиш, хотиржам бўлиш ҳуқуқини бермайди. Чунки ҳозирча муваффақиятларимиз айтарли даражада эмас. Улар ёшларимизни қониқтирмаслиги турган гап. Аксарият ёшларимиз шошилишади. Бирор нарса ёздими, яхшими, ёмонми, дарҳол китоб ҳолида кўришни хоҳлаб қолишади. Ваҳоланки, ҳар бир ёш муаллиф аввал ўз асарини «Ёшлик», «Ёш куч» журналларида эълон қилиб, синовдан ўтказсин, ижоди оғизга тушсин. Шундан кейингина китоб нашр этиш ҳақида гап юритиш мумкин.

Мана шу қизғин жараёнда бунақанги ёшлардан «ҳимояланиш» воситалари ҳам топила қолди. Улардан энг асосийси ва доимийси қоғоз ва босмахона лимити йўқлигини баҳона қилиш бўлди. Оқибатда, баъзан юқоридагига ўхшаш ёшлар қаторида қобилиятли қаламкаш ёшларнинг асарларини ҳам турли тўпламларга жамлаб нашр этиш одат тусига кирди. Тўпламнинг ўзи уч-беш босма тобоқ бўлгани ҳолда унга беш-олти ёшнинг асарини жойлаштириш худди янги қурилган мустақил коммунал квартирага бир неча оилани жойлаштириш билан баробар. Бунда уларни бурчакка қисиб қўйгандек бўлдик.

Бу вазиятдан қутулишнинг ҳозирча оддийроқ йўли топилди. Яъни, ёш қаламкашлар қўлёзмаларига конкурс эълон қилинди. Натижада йил давомида юздан ортиқ қўлёзма тушди. 40 кишидан иборат иккита обрўли ҳайъат комиссияси бир неча ой мобайнида бу қўлёзмаларни синчиклаб ўрганди. Ҳайъат фаолияти ошкоралик, демократия ва кенг ижодий баҳслар асосида олиб борилди. Бир сўз билан айтганда, энг қобилиятли муаллифлар конкурс ғолиблари бўлишди. Натижада турли қоронғи йўллар билан китоб чоп этишга уриниш ва гуруҳбозликлар ўз-ўзидан иш бермай қолди.

Конкурс натижаларига кўра ўн олтита назм, бешта наср ва битта болаларга аталган қўлёзма алоҳида китоб бўлиб нашр этиладиган бўлди. Ҳозирги кунда мазкур қўлёзмалар босмахонага туширилган ва нашрдан чиқиш арафасида.

Шунга ўхшаш тадбирларни қўллаш натижасида кейинги икки йил ичида ўқувчига манзур янги китоблар кўпая бошлади. Ўрозбой Абдураҳмоновнинг «Чангалзор пайғамбарининг ҳалокати», Исроил Тўхтаевнинг «Қабрдаги хазина» ва бошқа асарлар шулар жумласидан.

Китобхоннинг севимли мулкига айланувчи асарларни бир тематик йилга қолмасдан нашр этиш йўлига ўтдик. Дастлабки тажрибалар қийинчилик билан кечаётган бўлса-да, лекин фойдали экани аён бўлди.

Бунда пландаги баъзи «тажрибалироқ» қаламкашларнинг хом-хатала қўлёзмаларини ёшларнинг истеъдод билан ёзилган асарларига алмаштириш самарали натижалар бермоқда.

Хуллас, нашриётимиз фаолиятида муваффақиятлар билан бир қаторда муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, улар холислик билан ҳал этилади.

Нурали ҚОБУЛ,
«Юлдузча» нашриётининг директори

# РЕЖАЛАРИМИЗ УЛКАН

Нашриётимиз коллективи катта ва эзгу ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Ўттиз томлик жаҳон халқлари эртакларини чиқариш ана шу ният йўлидаги илк қадамдир. Мана, «Араб халқ эртаклари» китоби чоп қилинмоқда. Келгуси йил рус, тожик, қирғиз ҳамда немис халқ эртакларини чиқарамиз. Шуни айтиш кераки, бу китоблар олий сифатли муқовада, юксак безакли кўринишда нашр этилади. Эртаклар кўп томлилигини чоп этиш республикалар ичида биринчи марта Ўзбекистонда амалга оширилмоқда. Бундан ташқари «Минг бир саргузашт» сериясида 40 томлик жаҳон саргузашт адбиётининг янги намуналарининг ҳам дастлабки жилдлари босмахонага топширилди. Очиғини айтганда, ўзбек ўқувчиси бу китобларни бундан 30—40 йиллар илгари ўқиши керак эди. Бу асарларнинг асосий қисми шу пайтгача ўзбек тилида нашр этилмаган классик саргузашт адабиёт намуналаридир.

Яна бир ниятимиз — ўтмиш адабиёт ва санъатининг классик намояндалари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийлардан тортиб ҳозирги адибларгача битикларини, китобларини болаларбоп қилиб чиқаришдир. Шу маънода «Қутадғу билик»нинг болаларга мослаштирилган намунаси нашрга тайёрланди. Бу ишни олим Б. Тўхлиев кўнгилдагидек бажарган.

Бундан ташқари «Суратларда Ватан тарихи» сериясида Ўрта Осиё, жумладан Туркистон тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи беш жилдлик безаклардан иборат китобларни ўзбек, рус, инглиз тилларида чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Ушбу китобларни Москвада, Халқаро китоб кўргазмасида сотиш ниятимиз ҳам бор. Серияни мусаввир Абдуқаҳҳор Маҳкамов безаган. Китобнинг ўзбекча матни биринчи жилди 1990 йилда ўқувчилар қўлига етиб боради. Бу китоб мактаб ўқувчилари учун ҳатто қўлланмадан ҳам қадрлироқ бўлади деб ўйлайман. Бу ишга ҳам республика китобат санъати тарихида илк бор киришилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда болалар китоблари қаҳатчилиги мавжуд. Бу нарсани бемалол фожиа деб аташ мумкин. Ўзбекистон қишлоқлари, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистоннинг ўзбеклар яшайдиган районларидаги бундай қаҳатчиликни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Уни бартараф этиш учун оз бўлса-да, улушимизни қўша оламиз деб ўйлайман ва болалар учун озиқ-овқат, мева-сабзавот харид қиладиган ота-оналар бозорга тушганда ҳеч бўлмаганда бир дона китоб сотиб олишни ҳам одат қилганларида эди...

Муаммоларга келганда — матбаа базасининг ожизлиги ҳамда қоғоз танқислигини айтиб ўтиш керак. Қоғоз танқислиги РСФСРда картошка... плани бажарилмаганига бориб тақалармиш... Сабаб қоғоз тайёрлашда крахмалдан фойдаланилади. Ҳўш, мамлакатимизда картошка битмабди. Нега тегишли ташкилотлар вақтида чет элга крахмал буюртма беришмайди? Бу ўринда крахмал эмас, планлаштириш органлари айбдор. Биз, масалан, ўтган йил 67 та китоб чиқаришимиз керак эди. Қоғоз йўқлиги учун шунинг 15 таси бу йилга ўтди. Демак, ўз-ўзидан бу йилги нашрларимиздан бир қисми келгуси йилга сурилади.

Бизда қоғоз анқонинг уруғи бўлиб турганда РСФСР нашриётларида 700 миллион ўрнига қарийб 800 миллион дона китоб чиқарилибди. Ҳўш, бунга нима дейсиз? Айбимиз бизда ўрмонлар тугатилиб, картошка экилмаганиданми? Ёки... Ҳолбуки, биз қўшимча штат ёрдамисиз бир йилда 150 номда китоб чиқара олишимиз мумкин. Бунинг устига китобларнинг ҳажми каттариб кетяпти. Болаларга кичик ҳажмдаги, ихчам, безакли китоблар керак. Бизда, жумладан, Ўзбекистонда жуда кўп қоғоз қоғозбозликка, майда-чуйдаларга сарфланмоқда. Ҳозир айрим кооперативлар 100 минглаб нусхаларда нималарнидир чоп қилмоқда, минглаб тонна қоғоз илмий-тадқиқот институтлари ихтиёрида. Демократияни ҳар ким ўз даражасида қабул қиляпти. Ишни яхшилашнинг бирдан бир йўли — нашриёт сиёсатини тўғри юргизиш, яъни қандай китобни чиқариш керагу, қандайини чиқармаслик керак? Энг муҳими шу. Лекин бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар ҳам мавжуд. Масалан, биз нашриёт механизмини тўғри ишлашини йўлга қўйишимиз мумкин. Лекин бу механизмнинг Иттифоққа бориб тақаладиган бизга боғлиқ бўлмаган субъектив сабаблари борки — бунга қўлимиз калталик қилади. Биз, масалан, чет эллар билан алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Америкалик адабиётшунос Билл Фирман ўзбек ҳикояларини айнан ўзбек тилидан таржима қилиш истагини билдирди. Биз уни Тошкентга таклиф қилдик. Келгусида инглиз тилида ўзбек ҳикояларини чоп этамиз. Лекин бу каби ишлар осонликча ҳал бўлмайди. Кимнингдир қош-қовоғига қарашга, гўёки арпасини хом ўрганингдек ёмон кўринишга тўғри келади.

Яна бир муаммо — китоблар сифати. Матбуот комитетимиз яқинда ГФРдан «Колбус» деган полиграфик дастгоҳлар олиши керак. Бу дастгоҳда асосан болалар китоблари чоп этилади. Бундай дастгоҳлар айни пайтда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриётида ҳам бор, лекин у болалар учун ҳаводек зарур бўлган китобларни эмас, Москва буюртмаларини бажариб «Знаки дорожного движения»ни босади. Москва нашриётлари учун бу муаммони ўша тарафда ҳал қилиш муаммо эмас-ку! Лекин биз пойтахтлик ҳамкасбларимизга йўқ дейишга ўрганмаганмиз чоғи...

Яқинда мен «Ойдин» газетаси орқали чет элларда яшаётган ўзбекларга мурожаат қилиб, уларнинг фарзандлари учун араб ёки лотин алифбосида эски ўзбек тилида керакли китобларни чиқаришимиз мумкинлигини маълум қилдим. Ўйлайманки, бу хайрли иш албатта амалга ошади. Яна бир кичикроқ муаммо — Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг раҳбарияти бизга қўшимча хоналар беришини (албатта пулимизга) кутяпмиз...

Республикаларда полиграфия, нашриётлар ва китоб савдоси давлат комитети бугунги кунда нимага керак, деган гап ҳам йўқ эмас. Москвада Иттифоқ нашриётлари директорлари ассоциациясини тузиб, комитет билан алоқаларни ўйлаб кўриш ҳақида ҳам мунозаралар бўлганди. Бу ташкилот ҳали фаолият кўрсатар экан, у бизга фақат икки масалада ёрдам бериши мумкин (агар бунинг уддасидан чиқа олса). Биринчиси жаҳон полиграфияси даражасидан қараганда қарийб ибтидоий кўринадиган матбаа базасини яхшилаш, яъни китобларни ўз вақтида, сифатли, китобат санъати талаблари даражасида чиқаришни таъминлаш бўлса, иккинчидан бизга ажратилган қоғоз лимитимизни бусбутун олишимизга кўмак бериш. Агар бу ишлар билан ҳам нашриётларнинг бевосита ўзи шуғулланадиган бўлса, унда Комитетга ҳожат ҳам қолмайди.

Бу қадар қуюқ танқиддан сўнг фикримни барибир хушхабар билан якунламоқчиман. Иқтисод қилинган қоғозларимиз ҳисобига пландан ташқари буюк шоиримиз Чўлпоннинг «Баҳорни соғиниб» китоби эрта-индин ўқувчиларимиз қўлига етиб боради. Бу мумтоз санъаткоримизнинг сталинизм ўқига учгандан кейинги биринчи китобидир.

**Суҳбатларни Ё. ХЎЖАМБЕРДИЕВ ва С. САЛОҲИДДИНОВ олиб борди**

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК

## ПРОЗА КЕНГАШИДА

Шу йил 3 март куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи проза кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Саид Аҳмад қисқача кириш сўзи билан очди.

1988 йил ўзбек романлари ҳақида филология фанлари доктори Умарали Норматов доклад қилди. У ўтган йил совет романчилиги учун сермаҳсул палла бўлганлигини, узоқ йиллар таъқиб қилинган асарлар қаторида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳам эркинликка чиққанлигини айтди. Шунингдек, 1988 йилни ўзбек адабиёти учун романлар йили, деб атади. Бу даврда С. Аҳмаднинг «Жимжитлик», П. Қодировнинг «Авлодлар довони», Х. Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Н. Қобулнинг «Унутилган соҳиллар», О. Мухторовнинг «Эгилган бош» романлари эълон қилинганлигини, М. Эгамбердиевнинг Москвада босилган «Сариқ аждар ҳамласи» асари ўзбек тилида чиққанлигини, О. Ёқубовнинг «Оққушлар, оппоқ қушлар» асари қайта ишланиб, мукаммаллаштирилган ҳолда нашр этилганини таъкидлади ва бу асарларнинг ютуқлари ҳамда камчиликлари тўғрисидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Ёзувчи Олим Отахонов ўтган йилги яратилган ҳикоялар ва қиссалар тўғрисидаги докладида бу жанрларда пайдо бўлган асарлар адабиётимиз тараққиётига қай даражада ҳисса бўлиб қўшилаётгани тўғрисида тўхталди. У докладида ўтган йили ҳикоялар кўп эълон қилинганини, ёш қаламкашлардан тортиб моҳир ҳикоянависларгача ва кекса авлад вакилларигача баракали ижод қилганини, матбуотда юзга яқин ҳикоялар чоп этилганини, лекин шунга қарамай, улардан аксариятининг бадиий савияси ночор эканлигини қайд этди. Маърузачи Ш. Холмирзаев, Х. Султонов, Н. Арслонов, Э. Аъзамов, Р. Файзибоеванинг ҳикоя ва қиссаларини таҳлил қилди, бугунги бадиий тафаккурдаги ютуқ ва камчиликларга тўхталди.

Шундан кейин докладлар юзасидан қизғин музокара бўлди.

— Иккала докладда ҳам ўтган йилги прозамизга оид фикрлар айтилди. Лекин адабиётимизда бир қусур бор, — деди ёзувчи Омон Мухтор. — Ҳар ким ўз субъектив фикрини, бирор асарни китобхон сифатида қандай қабул қилса, шуни умумадабиёт фикри сифатида талқин қилиш одати пайдо бўлмоқда. О. Отахоновнинг Ш. Холмирзаев, Х. Султонов ҳикоялари тўғрисида нописандлик билан гапириши ўринли эмас. Докладчи Ш. Холмирзаев ҳикоялари бир қолипга тушиб қолапти, деди. М. Шолоховнинг «Дон ҳикоялари» ҳам бир руҳда, бир қолипда ёзилган-ку, унда уларни қандай баҳолаш мумкин? Менимча, маърузачи танқид қилган асарлар ўзининг руҳи билан янги. Айни пайтда, қаҳрамонларимизда ҳам янгиланиш руҳи пайдо бўлаётгани қувонарлидир.

— Биз кейинги пайтларда бир-биримизга таҳдид қилишга берилиб кетиб, адабиётимизни эсдан чиқариб қўймоқдамиз. Шу сабабли ундаги ютуқларни ҳам кам кўраётганга ўхшаймиз, — деди танқидчи Озод Шарафиддинов. — Асарларимизнинг матбуот, телевидение, радио орқали тарғиботи яхши эмас. Буни ўтган йили яратилган асарларга муносабатимиздан ҳам билса бўлади. Улар ҳали ўзининг ҳақиқий баҳосини олгани йўқ. Адабиётимизда бир пайтлари маддоҳлик иллати мавжуд эди, қаҳрамонларимиз нуқул мадҳ этиларди, эндиликда уларни фақат фош қилишга берилиб кетдик. Бу ҳам хато. Чунки адабиёт инсон қалбини таҳлил қилиш, характер яратиш йўлидан бориши керак. Биз бадиий ижодда ҳамон бир иллатдан — у мавзуни қаламга олиш мумкин, бу мавзуни мумкин эмас қабилида тор фикрлашлардан қутула олмаяпмиз. Адабиётда қаламга олмайдиган мавзунинг ўзи йўқ. Унинг қаҳрамони — инсон! Энг муҳими, инсон тақдири ижтимоий-маънавий жиҳатдан теран тадқиқ этилиши керак. Ана шу жиҳатлардан Олим Отахоновнинг айрим ижодкорлар асарларига берган баҳосини нотўғри, деб ҳисоблайман. У негадир яхши асарларга ҳам беписандлик билан қаради.

— Йиллик ҳисоботда иложи борича барча асарлар тўғрисида фикр билдирилса яхши бўларди, — деди Машраб Бобоев ва О. Отахонов докладида айтилган фикрлар хусусида тўхталди. — Нотиқ танқид қилган асарларнинг ҳаммаси ҳам савияси паст эмас. Лекин уларга бир ёқлама баҳо берилди. Шунингдек, докладчининг «тил — адабиётнинг биринчи элементи эмас», деган фикрига, шакл ва мазмун ҳақидаги қарашларига ҳам қўшилмайман, — деди у.

— Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романини, З. Аъламнинг «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасини, Ш. Холмирзаевнинг ҳикояларини ўтган йилнинг энг яхши асарлари деб баҳолайман, — деди фарғоналик ижодкор Йўлдош Солижонов. У Н. Қобулнинг «Унутилган соҳиллар», С. Аҳмаднинг «Жимжитлик», П. Қодировнинг «Авлодлар довони» романларига батафсил тўхталди. Бадиий асарлар тили жуда ғализ бўлиб бораётганига эътиборни тортди. Ж. Абдуллахоновнинг «Хонадон» романига мурожаат қилди.

Сўзга чиққан Хуршид Дўстмуҳамедов Асқад Мухторнинг «Чодирхаёл» ҳикоясини ўтган йилнинг энг яхши асарларидан бири сифатида таҳлил қилди. «Ҳикояда мазмунга мос шакл топилган. Қаҳрамонлар номланишида ҳам ўзига хослик бор,— деди у. — Умуман, кейинги йилларда адабиётимизда шакл ва мазмун борасидаги изланишлар мақсадга мувофиқдир. Шу маънода Иброҳим Ғафуровнинг мансуралари ҳам, Х. Султоновнинг «365 кун» ҳикояси ҳам, Н. Қобулнинг роман-монологи ҳам формаси билан эсда қолаверади». У ҳисобот докладларда асарлар куюнчаклик билан баҳоланганини, шу билан бирга шахсий мулоҳазалар ҳам айтилганини таъкидлади.

Музокараларда сўзга чиққан Нурмуҳаммад Холлиев ёзувчи Ғаффор Ҳотамовнинг «Азал-абад» қиссаси янгилик бўлганлигини айтди, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси оммавийлик кетидан қувиб, адабий жараён ҳақида мақолалар беришдан кўра, одоб-аҳлоқ масалаларига кўпроқ ўрин ажратмоқда, деди. Ёш танқидчи Раҳмон Қўчқоров, сирдарёлик адабиётчи Қозоқбой Йўлдошев, ёш адиба Соҳиба Абдуллаева, қаламкаш Раҳмон Ҳожимуродов прозадаги жонли жараёнлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ҳисобот йиғилишини Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад якунлади. У кейинги йилларда проза асарлари кўплаб яратилаётгани, лекин улар ўз пайтида ҳаққоний баҳосини олмаётганини таъкидлаб ўтди.

## БОЛАЛАР АДАБИЁТИ КЕНГАШИДА

Қайта қуриш даврида катта ҳақиқатлар олдида болалар қалбида рўй бераётган ўзгаришларни адабиёт қай даражада акс эттирмоқда? Ўтган йили ўзбек болалари адабиёти умум адабиётимизни юксалтиришга қандай ҳисса қўшди?.. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида болалар адабиёти кенгашининг бўлиб ўтган йиллик йиғилишида ана шу каби масалалар ўртага ташланди. Йиғилишни кенгаш раиси Носир Фозилов қисқача кириш сўзи билан очди.

Ёзувчи Х. Тўхтабоев бир таклиф киритди. У Раҳматилла Баракаевнинг «Ёшлик» журналининг ўтган йил 11-сонида эълон қилган «Дилда дардинг бўлмаса...» мақоласидаги «Кейинги даврларда болалар адабиёти фақат «отахон» ижодкорларимизнинг «тўлдирилган» ва «қайта» нашр қилинган асарлари ҳисобига «бойиди». Майда-чуйда мавзуларга ўралашиб қолиш, уйдирмалар асосида «асар»лар битиш, адабий эртакларни абадий эрмакларга айлантириш, қофиябозлик ва пул учун «асарлар» битиш авж олди. Бу соҳада адабиётимизнинг номдор, нишондор, етакчи намояндалари, амал курсисини эгаллаб олган ҳурматли ёзувчиларимиз ўзгаларга «ўрнак бўлдилар», деган гапларни болалар адабиёти учун ғирт туҳмат деб баҳолади ва автор ўз фикрларини исботлаб беришини талаб қилди. Р. Баракаев ўз фикрларини изоҳлашга ҳаракат қилди.

Шундан сўнг ўзбек болалар адабиётида проза асарлари хусусида филология фанлари кандидати Маҳмуд Сатторов, болалар учун яратилган шеърий асарлар ҳақида Раҳматилла Баракаев докладлар қилдилар.

— 1988 йил ўзбек болалар прозаси учун сермаҳсул йил бўлди. «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Гулхан», «Ёш куч» сингари матбуот саҳифаларида болаларбоп ижтимоий мавзудаги чиқишлар уюштирилди, — деди М. Сатторов ўз докладида. — «Юлдузча» нашриёти бир неча яхши китоблар чиқарди.

«Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Гулиқаҳқаҳ» эртаклар тўпламига фантастик асарлар жамланган. С. Барноевнинг «Каримжон — Карлсон», С. Абдуллаеванинг «Аёллар салтанати», Ш. Акбаровнинг «Ёзги имтиҳон» китобларида, «Нафосат» тўпламида ҳам яхши асарлар ўрин олган. Худойберди Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар» романи бугунги ўзбек болалар прозасида қайта қуриш дастёри сифатида воқеадир. Умуман, адиб кейинги йилларда болалар учун бир неча романлар яратди. Бироқ, шуни айтиш керакки, романдан-романга ёзувчида бадиийлик сусайиб, ўртамиёна публицистик ҳикоя кучайиб бормоқда.

Иброҳим Раҳим «Ёшлик қайтиб келмайди» қиссасини ёш авлодга бағишлаган. Адиб ўз болалик хотираларини эслар экан, 30-йиллар воқеаларини янада ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Болаларни ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқаришга ундайди. Тўғри, қисса ҳали нашрдан чиқмади, лекин унинг эълон қилинган бобларининг ўзиёқ автор асарнинг тили устида жиддий ишлаши лозимлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, докладчи «Ўқитувчи» нашриётининг фаолияти, болалар адабиёти танқидчилигининг аҳволи, тарихий мавзудаги асарлар камлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

— Ўтган йили болалар учун яратилган шеърий тўпламларнинг ўзи йигирмага етади. Улар орасида тўпламлардан тортиб, оқсоқол шоирлар ва ёш ижодкорларнинг илк китобларигача бор, — деди докладчи Р. Баракаев. — «Олам тинглайди бизни» коллектив тўпламига ўзбек болалар адабиёти шеърияти намояндаларининг салкам олтмиш йил ичида яратган энг сара шеърлари жамланган. Уни ёш қаламкашлар асарларидан тузилган «Ҳовли тўла болалар» тўплами янада тўлдиради.

Турсунбой Адашбоевнинг «Арслонбоб афсонаси», Ҳамза Имонбердиевнинг «Ойдаги томоша» китобларидаги шеърлар юморга бойлиги, юртга оташин муҳаббати билан ажралиб туради. С. Ҳожибоев, Б. Асқаров Г. Тоғаева, Ў. Эрматов, С. Иноятов шеърларида ҳам самимият, дардчиллик ва эртанги кунга умидворлик бор. Лекин, афсуски, болалар адабиёти шеъриятида сунъийликлар, қофиябозликлар ҳам йўқ эмас. Бу Т. Йўлдош, А. Абдураззоқ, М. Ниёзмуродов, Н. Душаев, Ў. Рашид асарларида яққол кўринади.

Шундан кейин музокаралар бошланди.

— «Юлдузча» нашриёти ташкил этилганига 3 йил бўлди, — деди шу нашриёт бош редактори Тоҳир Малик. — Бу даврда 97 та китоб чиқардик. Ўтган йили 67 китоб чиқаришимиз керак эди. Афсуски, 52 китоб чиқардик, холос. Қоғоз йўқлиги сабабли бошқа китобларни чиқара олмадик. Табиийки, бу аҳвол ёш китобхонларимиз талабига жавоб бермайди. Ҳозирги кунда болалар адабиёти зиммасига катта масъулият тушди. Чунки фарзандларимиз ҳар хил ҳақиқатлар орасида гангиб қолишди. Улар нимага ишонишни билишмаётибди. Демак, бу ўринда болалар адабиёти уларга ёрдамга келиши керак.

— Ўзбек болалар адабиётининг ҳозирги аҳволи қониқарлими? Афсуски, йўқ. Бу яратилаётган асарларимиздан маълум. Биз бадиий асар яратиш ўрнига сўзбозлик қилишга ўтиб кетдик, — деди Фарҳод Мусажонов. — Демократия даврида, эркинликларга эга бўлганда ёзишдан тўхтаб қолдик. Чунки маҳоратимиз етишмаётибди.

Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ходими Муҳиддин Жўраев айрим матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган нотўғри фикрларга жавоб бериш лозимлигини таъкидлади.

Ҳаким Назир «Турғунлик даврида болалар адабиётимизда бирорта яхши асар яратилмади, деган гап бекор. Ўша йилларда яхши асарлар ёзилди. Ҳозир ҳам яратилмоқда», деди.

— Ўзбек болалар адабиётида, умуман адабиётимизда болалар қўлидан қўймай ўқийдиган китобларимиз борми? — деди «Гулхан» журнали бош редактори Ойдин Ҳожиева. — Йўқ. Айни пайтда фарзандларимиз ҳам ёшлигидан тилимизни яхши билишмайди. Шунинг учун уларга атаб «Бойчечак» типидаги китобларни, тарихий асарларни кўплаб чиқаришимиз керак. Токи, улар халқимиз маънавий чашмаларидан йироқлашиб қолишмасин.

Адабиётшунос Соҳиба Ирисхўжаева «Докладлар ёмон эмас, лекин йиллик ҳисобот бирор проблема асосида ёритилганда яхши бўларди», деди ва болалар адабиётининг тили масаласида йиғилиш ўтказишни таклиф қилди.

Шунингдек, йиғилишда Сафар Барноев, Нормурод Норқулов, Латиф Маҳмудов, Акбар Юнусов, Малик Муродов ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳисобот йиғилишини болалар адабиёти кенгашининг раиси Н. Фозилов якунлади.

**К. МАТЁҚУБОВ**

## ҚРИМТАТАР АДАБИЁТИ КЕНГАШИДА

Ҳаётда рўй бераётган жараёнларга янгича нигоҳ, халқ дардларига қулоқ тутиш адибларнинг чинакам маънавий эҳтиёжига айланди. Қримтатар адиблари ҳам ўтган йили шу маънода ижтимоий фаоллиги билан китобхонлар кўнглига йўл топишга интилдилар.

Ҳамид Олимжон номидаги Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ўтган қримтатар адабиёти кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида 1988 йилнинг ижодий маҳсулига шундай баҳо берилди. Кенгаш раиси Айдар Осман бошчилигида ўтган бу йиғилишда адиб Аблязиз Велиев ва шоир Билол Мамбетнинг қайта қуриш даврида қримтатар насри ва назми мавзуидаги маърузалари тингланди.

Ўтган йил қримтатар адабиётида анча силжиш сезилди. Бутуниттифоқ ва республика кўламида 15 га яқин салмоқли асар чоп қилинди. Истеъдодли адиб Эрвин Умеровнинг «Дружба народов» журналида нашр қилинган «Ёлғизлик» ҳикояси сталинизм даврининг қримтатар адабиётида бадиий тасвиридир. Адиб ҳозир шу туркумдаги «Қора поездлар» ва «Рухсат» ҳикояларини ёзди, «Умид» номли қиссалар тўпламини яратди.

Ўтган йили «Советский писатель» нашриётида Эмиль Аметнинг «Сўнгги имкон» ва «Йилдиз» журналида Рустем Алининг «Бурилишда» романлари чоп қилинди. Бу романлар муаллифларнинг насрда биринчи қадамлари бўлишига қарамай, уларни китобхонлар илиқ кутиб олишди.

Айдар Османнинг «Тутишув» номли қиссалар ва ҳикоялар тўплами хусусида йиғилиш қатнашчилари яхши фикр билдирдилар. Шунингдек, кекса адиб Ибраим Паши ҳам «Олтин бўёқлар» китобини эълон қилди.

Қримтатар назмида ҳам муваффақиятлар сезилди. Ризо Холид, Исо Абдураман, Билол Мамбет, Мамбет Аблялимов шеърлар тўпламларини нашр эттирдилар. Бу тўпламларга кирган шеър ва достонларда шоирлар ҳаётнинг ижтимоий-социал муаммоларини қаламга олишган. Адабиётган сўнгги йилларда ўз овозлари билан кириб келган Айше Кўкиеванинг «Тақдирим менинг» ва Юнус Кандимовнинг «Денгизга ўхшатдим сени» номли биринчи тўпламлари китобхонларда қизиқиш уйғотди.

Ўтган йили классик адабиётни тадқиқ этишда яхши ишлар қилинди. Қримтатар адабиётининг классик шоири, XVII асрда яшаган ва ижод қилган Ошиқ Умер насрий асарларининг биринчи жилди нашр қилинди. Бу машҳур шоирнинг Тўла асарлар тўплами биринчи марта нашр қилинмоқда. Уни нашрга тайёрлашда марҳум шоир Ашраф Шаъмизода ва Ризо Фозилнинг хизматларини таъкидлаш лозим.

Маърузачилар ёзувчиларнинг ижтимоий муаммоларга фаол аралашишлари кераклиги хусусида ҳам тўхталдилар. Ҳали ҳам ечилмай турган масалалар кўп. Болалар адабиётининг ривожи китобхонлар талабига тўлиқ жавоб бермайди. Китобхонни ўйлантириб келаётган долзарб масалалар теран ижтимоий, чуқур илмий ёритилиб борилиши керак.

Ўтган йили «Ленин байроғи» газетаси, «Йилдиз» журнали адабий жараён ва адабиёт ривожига бағишланган қатор материаллар эълон қилди. Уларда кўпчиликнинг дили ва тилидаги гаплар ўртага ташланди. Лекин, айни пайтда, бадиий танқид, болалар адабиёти, публицистика ривожига улар етарли аҳамият бермаганлари сезилиб қолмоқда.

Музокарада сўзга чиққан Ш. Алядин, И. Паши, Черкез Али, У. Эдемова, Ш. Селимов, И. Абдураман, Р. Фозил, Э. Акмуллаев, И. Керимов, композитор М. Арслонов ва бошқалар қримтатар адабиёти олдида турган муҳим масалалар хусусида тўхталдилар. Йиғилишда кенгашнинг бу йилги режалари муҳокама қилинди.

**С. НАГАЕВ**

# АДОЛАТ КОМИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи секретариати президиумининг қарори билан сталинизм ҳукмронлиги йилларида ноҳақ жабрланган адиблар номини тиклаш, асарларини нашр этиш, хотираларини абадийлаштириш учун комиссия тузилган эди. Куни кеча ёзувчи Темур Пўлатов раислигида шу комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Темур Пўлатов КПСС МК қарор ҳамда ҳужжатлари асосида комиссия олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади. Комиссия ўз иш фаолиятида жуда катта олижаноб мақсадларни қамраб олади.

Мажлисда сўзлаган Шомил Алядин, Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Вильям Александров, Жамол Камол, Пирмат Шермуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Арон Шаломаев каби комиссия аъзолари комиссиянинг инсонпарварлик, адолатпарварлик йўлидаги ишига кенг жамоатчиликни тортиш, дахлдор совет идоралари билан чамбарчас алоқада ишлаш зарурлигини уқтирдилар.

Жабрланган ёзувчиларнинг асарларини чиқариш ва тарғиб қилиш, уларнинг меросхўрларига ғамхўрлик комиссия фаолиятининг марказида туради. Репрессияга учраган адиблар ҳақида замондошлари, қариндош-уруғларининг хотираларини ёзиб олиш ва хотира китоблари нашр этиш, уларни СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига гарчи ҳалок бўлиб кетган бўлсалар-да тиклаш (ёхуд қабул қилиш!) зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, комиссия ноҳақ жабр кўрган адиблар ижодиёти масалалари бўйича конференция чақириш, ижодий хайрия кечалари ўтказиш, бу ёзувчиларнинг саналарини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди.

Комиссия аъзолари комиссияга Адолат номини беришни таклиф этдилар. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ҳузуридаги Адолат комиссияси ноҳақ жабрланган адибларнинг қариндош-уруғлари, уларни яқиндан кўрган-билган барча кишиларга шу адиблар ҳақидаги хотираларини ёзиб юборишлари, уларнинг китоблари, қўлёзмалари, ашёлари ҳақида хабар беришларини сўрайди. Хотиралар ва турли масалалар бўйича хатлар қуйидаги адресга жўнатилсин. **Тошкент, Пушкин кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи. Адолат комиссиясига.**

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси

**Робиддин ИСҲОҚОВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси

**Елизавета ВИДОНОВА**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## БИЛДИРИШЛАР

**Шу йил 14 март соат 15.00 да ЎзССР Ёзувчилар союзида бадиий таржима ва қардош адабиётлар билан алоқалар советининг 1988 йил бадиий таржималари бўйича йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилади.**

**Йиғилишда филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов, филология фанлари кандидати Султонмурод Олимовнинг маърузаси тингланади ва муҳокама қилинади. Барча қизиққан ўртоқларнинг қатнашишлари мумкин.**

**БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР СОВЕТИ**

**15 март куни соат 10 да ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида Ёзувчилар союзи ҳузуридаги ёш танқидчилар кенгашининг навбатдаги семинар машғулоти ўтказилади. Машғулот йирик совет адабиётшуноси М. Бахтин ижодига бағишланади.**

**Докладчилар — Баҳодир Саримсоқов ва Мирзааҳмад Олимов.**

**Машғулотга барча қизиққан ўртоқлар ташриф буюришлари мумкин.**

**ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ КЕНГАШИ**

